

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ DR7154642246

2022 yil 21 yanvar

1. Loyihaning turi: Xo'jalik shartnomasi
2. Loyihaning yo'nalishi/nomi: Elektr energiyasi ta'minoti to'g'risida
3. Loyihaning muallifi va kiritilgan sana haqida ma'lumot: Shartnoma loyihasi Taxiatosh tumani elektr ta'minoti korxonasi tomonidan ishlab chiqilib Taxiatosh tumani Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoa salomatligi bo'limiga oferta sifatida kiritilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 12.01.2022 yili kiritildi.
4. Loyiha bo'yicha taklif va izohlar:
shartnoma loyihasi markaz tomonidan huquqiy ekspertizadan o'tkazilganida quydagilar aniqlandi:
Taxiatosh tumani hududiy elektr ta'minoti korxonasi va Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoa salomatligi bo'limi o'rtalarida mazkur shartnoma elektr ta'minoti bo'yicha tuzib chiqilgan. Unda bo'lim o'z ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda kerakli bo'lgan quvvat va hajmdagi ja'mi 3000 kVt.s 1,350,000 so'mni tashkil etuvchi (1kBT.c - 450 so'm) elektr energiyasini yetkazib berishni so'ralgan va ushbu ma'lumotni shartnoma loyihasining 2.1 va 2.2 bandlarida aks ettirgan. Yetkazib beriladigan elektr energiyasining hajmi oylar kesimida (har oy uchun 1000 kBT.c) shartnoma loyihasining 1 ilovasida va elektr energiyasini hisobga olish priborlari haqidagi ma'lumot esa 2 ilovada belgilab qo'yilgan. Shartnoma loyihasi ekspertizadan o'tkazilganida uning barcha bandlari O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksi hamda 29.08.1998 yilgi "Xo'jalik yurutuvchi subyektlar faoliyatining shartnomavaiy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi 670-I-sonli Qonunining 10-16 modda talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 12.01.2018 yilgi "ELEKTR ENERGIYASI VA TABIIY GAZDAN FOYDALANISH TARTIBINI TAKOMILLASHTIRISHGA DOIR QO'SHIMCHA CHORA-TADBIRLAR TO'G'RISIDA"gi №22-sonli Qarori 1 ilovasida tasdiqlangan Elektr energiyasidan foydalanish qoidalariga to'liq javob berishi aniqlandi;
Ma'lumot o'rnida aytib o'tish joizki, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 30.07.2019 yilgi "YOQILG'I-ENERGETIKA RESURSLARINING NARXLARI VA TARIFLARINI O'ZGARTIRISH TO'G'RISIDA"gi 633-sonli Qarori 1-ilovasida

yoqilg'i-energetik resurslarning narxlari va tariflari jadval asosida keltirilib o'tilgan va unga ko'ra elektrenergiya iste'molchilarining I va II guruhlari (ulangan quvvati 750 kVt.s va undan yuqori) uchun QQS hisobga olingan holda 1 kVt/soat uchun elektr energiya narxi - 450 so'mni tashkil etadi.

Xulosa

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan, unga tegishli o'zgartirishlar kiritilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq deb topildi.

Taxiatosh tumani
Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
bosh yuriskonsulti



A.Kdirbaev

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

2022 йил 21 Январь 04.201 -сон

Тахиятош
Т(Ш)ЭТК номи

Тахиятош туман электр таъминоти корхонаси асосида фаолият юритувчи раҳбари
(туман(шаҳар) электр таъминоти корхонасининг номи)

Ш. Жаевалов (кейинги ўринларда «Корхона»
(туман(шаҳар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.)

деб аталади) бир томондан №30.2 асосида фаолият юритувчи

Тахиятош тумани СЭТХ ЖСБ
(истеъмолчининг номи)
раҳбари Узақбаева Б (кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб аталади),
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, «Корхона» «Истеъмолчи»га электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва «Истеъмолчи» истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергияси истеъмолчининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 3 000 кВт.с. реактив _____ кВт.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи
1.350 000 сўми, тариф бўйича

ташқил этади.

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган, (кераклиси ёзилсин)

2.3. «Истеъмолчи»га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. «Истеъмолчи» томонидан олинган электр энергиясининг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали, ўсиб боровчи ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВт ва ундан ортиқ бўлган «Истеъмолчи» (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар: ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича;

yurutuvchi subyektlar faoliyatining shartnomavaij-huquq

sonli Qonuning 10-16 modda talablariga muvofiq ish

Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 12.01.2018 yilgi

TABIIY GAZDAN FOYDALANISH TARTIBINI TAK

QO'SHIMCHA CHORA-TADBIRLAR TO'G'RISIDA"gi

tasdiqlangan Elektr energiyasidan foydalanish qoidalariga

Ma'lumot o'mida aytib o'tish joizki, O'zbekiston Respub

30.07.2019 yilgi "YOQILG'I-ENERGETIKA RESURS

TARIFLARINI O'ZGARTIRISH TO'G'RISIDA"gi e

тигиз пайт — энг катга юклавали сояларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катга юклавали соялари: эрталабки энг катга микдор сояг 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катга микдор сояг 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни қўлаш орқали;

тунги пайт — сутканинг қоронни вақтида (энг кам юклавали сояларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) — белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни қўлаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тузри келиди.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиغان истеъмолчиға нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нарҳни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатиға киритилган махсуслот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан хисоб-китоблар, хар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

«Истеъмолчи» томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланиладиган энг юқори тариф гуруҳи бўйича хисоб китоб қилинади.

Ушбу шартнома бўйича «Истеъмолчи» ва «Корхона» орасидаги хисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.4. «Истеъмолчи» хисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вақми билан биргаликда (маъжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда) ёқн унинг иштирокисиз хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини хар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади.

«Истеъмолчи» «Корхона»га энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёқн почта алоқаси орқали хар ойнинг «1-5» санасигача тақдим этади.

Бўнда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган «Истеъмолчи»лар бўйича электр энергия сарфи бўйича хисобга фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ хажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергия хажмиари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, «Худудий электр тармоқлари» корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ақборот воситаларида эълон қилади.

Бўнда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аваси тариқасида тўланган хажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик ҳатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соғларда қайта хисоблаб чиқилади ва «Корхона» томонидан даъво мулдати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёқн қўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади.

3.6. «Истеъмолчи»га электр энергияси етказиб бериш давлат корхоналари ва устав қилиладигати давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга 100 фоиз, қолан юридик шахсларга 30 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳама ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда маъжур истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлақ узишгача бўлган чоралар қўрилади.

3.7. «Корхона» «Истеъмолчининг эиёргия сарфи тўғрисидаги хисоботи асосида белгиланган тартибда хисоб-китобни амалга оширади ва тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варягини тақдим этади.

«Истеъмолчи» турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир неча объектга эга бўлса, хар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура тақдим этадилади.

«Корхона» томонидан махсус дастурий махсуслот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варягини шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли «Ўзро хисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги хисоб-варяқ-фактуралардан фойдаланишни тақомиллантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори»)

3.8. Хисобга олиш прибори ушбу шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш хажми «Истеъмолчи» билан биргаликда хисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бўнда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган «Истеъмолчи» учун энергиянинг технологик сарфланиш хажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқлаиб, мутаносиб равишда жами олинган электр хажмининг тегишли пайтларига тўлов хажмини ёзиб учун қўшиб борилади. (6-, 7-иловларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўловлари).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимдан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатиладиган, истеъмолчин тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси микдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги хисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолчининг шартномавий микдори бўйича ёқн ўтган хисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолчининг ўртacha суткалик амалдаги микдори тўғрисидаги маълумотлар асосида хисоб-китоб қилинади.

Бўнда хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибида Корхона томонидан ёзиб олинмаган кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта хисоб-китоб қилинади. Қайта хисоб-китоб истеъмолчи ёқн унинг вақтили иштирокида ёқн унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги микдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини хар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини хисобга олиш приборларини ушлаш схемасини текшириб қўриши керак. «Истеъмолчи» томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида «Корхона»га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёқн почта алоқаси орқали тақдим этилган хисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги хажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Электр энергиясини хисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг хисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига

мувофиқ, бироқ бир ойда камидан бир марта ёки истеъмолчиннинг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

«Корхона» «Истеъмолчиннинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш приборларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдордан 5 фоиздан ортиқ микдорда энергия истеъмол қилганда, «Истеъмолчи»дан шартномада кўрсатилган микдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жазми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорда тўлов ундирилади.

«Истеъмолчиннинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобга ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) шифатида ҳисобга олинмайди.

«Истеъмолчи» шартномада кўрсатилган электр энергияси, ҳажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб обидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун «Истеъмолчи»га тўлов муддати ўтган деб сумманинг 0,1 фоизи микдорда, электр энергияси махсус тартибда етказиб берилмаган корхоналар учун эса 0,2 фоиз микдорда пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий микдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. «Истеъмолчи» ва «Корхона» ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. «Истеъмолчинни қўйидаги» ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини кесдан бузганда, кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашини хатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний улашини, талон-тарож қилиши ёки электр энергиясидан фойдаланиши қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, «Истеъмолчи»ни қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. «Истеъмолчи» томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайталаги базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари микдорда тўлов ундирилгандан сўнг тармоққа қайта уланади (ЭХНА)га уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. «Истеъмолчи» электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилмаган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. «Истеъмолчи» томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Ойлавий тадбиркорлик тўғрисида» ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан Ойлавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлаб бажариш,

хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

«Истеъмолчиннинг электр қурилмаларини «Корхона» электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

«Корхона»га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўъжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарини белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонуни ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси микдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келадиган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органига (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

«Истеъмолчи» қонуни ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

4.2. «Истеъмолчи» қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмولى режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, «Корхона»га электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

«Ўзэнергоспекция» қонуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

«Корхона» вақилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

Йил мобайнида янгидан ишга туширилаётган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камидан бир ой олдин электр энергиясининг зарур микдори учун «Корхона»га буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларини ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган «Истеъмолчи», «Корхона» талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги микдори;

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юқламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

энергетика тизимининг энг кўп юкلامасининг ўтиш даврида актив энергия (куват)нинг хар 30 декакадага сарфини.

«Истеъмолчи» конун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга. махсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иктисодий жиҳатдан илгор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технoлогик; яқна асосландаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чоррақлик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси тақомиллаштирилишини (ўзгартирилиши) ва янги техникка жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларига электр энергиясидан фойдаланиш самардорлигини тахлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эhtiёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини тақомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (махсулот ишлаб чиқаришининг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланётган протноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

махсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига рояя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. «Корхона» қуйдаги ҳуқуқларга эга:

«Истеъмолчи»дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажарилини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда «Истеъмолчи» томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш,

авария режимида «Истеъмолчининг» электр тармоқидан ўзиб қўйиш, ЭХНАга уланган ёки электр энергиясига олдидан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчинини олдидан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан ўзиш.

«Корхона» конунчилиқка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан «Истеъмолчи»ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун «Корхона» жавобгар бўлмайди.

4.4. «Корхона» қуйдагиларга мажбур:

«Истеъмолчи»га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш четарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан оголантириш;

«Истеъмолчи»ни электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киртилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдидан хабар бериш;

электр энергияси тўлик етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги «Истеъмолчининг» аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

«Истеъмолчи»га ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

«Истеъмолчининг» белгиланган тартибда киратишган тақлифларга мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий микдорини қўлайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

«Истеъмолчи»да ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона конунчилиқка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунчилиқда белгиланган тартибда жавобгар бўлди шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, «Корхона» бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. «Корхона» «Истеъмолчи» олдидан моддий жавобгар бўлмайди агар:

«Истеъмолчи» электр энергияси истеъмолчининг белгиланган режимида рояя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, «Корхона» томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани соझаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги таънафуслар учун «Истеъмолчи» олдидан моддий жавобгар бўлмайди;

«Қорақалпоқ худудий электр тармоқлари корханаси» АЖ ва «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ томонидан шартномада кўрсатилган микдордаги электр энергияси етказиб берилмаган тақдирда, «Корхона» «Истеъмолчи»га етказиб берилмай қолган электр энергияи учун моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. «Корхона» «Истеъмолчининг» қарздорлиги ёки бошқа асосли сабабларга қўра электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавуқлотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) «Истеъмолчи» олдидан жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музоқара ўтказиш орқали хал қилинади. Келишмовчиликларни музоқара ўтказиш орқали хал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчилиқда белгиланган тартибда хал қилинади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31 сентябр гача бўлган муддатта тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги хар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олддин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучта эга бўлган ва томонларнинг хар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олддин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олддин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шартли билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг вақолатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб - қондалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қондалари ҳамда бошқа амалдаги норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар талабларида мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ:
 Юридик манзил Тахиятош тумани Я. Фосилова йўзида 16
 Хисобрақами 23402 000 300 10 000 1010
 Банк коди (МФО) 00044 STIR (ИНН) 207 261 171
 Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилган Истеъмолчилар учун:
 Бюджет фондидини хисобрақами 1000 228 603 522 8707 410 014 001
 Банк коди (МФО) STIR (ИНН) _____
 Бюджетдан ташқари фонднинг хисобрақами _____
 Банк коди (МФО) STIR (ИНН) _____
 ККС тўловчининг коди _____
 Телефонлар: 61-572-21-51 Факс: _____ е.теги: _____
 (Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди электрон манзил ёшилади)

Қадастр рақами: _____
Статистик кодлар:
 ИҲТ (ОКЭД) _____
 ДЭВТ (СООГУ) _____
 МНОВТ (СОАТО) _____
 (КФС) _____
 ТШК (КОПФ) _____
КОРХОНА:
 Печта маъзили: Тахиятош тумани М.Кобланов кўчаси рақамсиз уй _____
 Хисобрақами: 22636000200314531481 ОАТБ "Саноаткурлишбанк" НУКУС ФИЛИАЛИ _____
 Банк коди (МФО) 00868 STIR (ИНН) 200357207
 ККС тўловчининг коди _____
 Телефонлар: 61-572-28-20 Факс: 61-572-28-22
Саломатлик кодлари:
 ДЭВТ (СООГУ) 01013
 МНОВТ (СОАТО) 4233411

Корхона: _____
 М.У. ило, лавили, Ф.И.Ш. _____
Истеъмолчи: _____
 М.У. ило, лавили, Ф.И.Ш. _____
КОРИСТКОНСУЛЬТ ХУЛОСАСИ:
 Мақсуд электр энергиядан фойдаланиш шартномаси _____ юристконсулт _____
 Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори таъдбирига мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мақсуд шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг конституция қонунлари ва қонунлар билан мувофиқ келмайди. Шартнома ишiroкчиларининг ҳуқуқ ва маъбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунлари ва «Хўжалик юртыкулар субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонуни талабларига мувофиқ берилди. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқадиган бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида ҳал қилинган. Шартнома юзасидан шартнома ишiroкчилари ўртасидаги инзоларни ҳал қилиш тартиби белгиланган.



Электр таъминотининг шартномасига
1-илова

Етказиб бериладиган энергия хажми

1. Тариф гуруҳи _____
2. Фаолият тури _____
3. «Истеъмолчи» электр қурилмаларининг уланган қуввати: _____ кВА
(кВт) _____
4. Техник шарт бўйича руҳсат берилган қувват _____ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) _____
6. Ҳисоб-китоб тури: _____

тариф тури, таъминлаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига таъминлаштирилган (қарасилса ёзилсин)

Давр	Энергия хажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами	3,0				
Январь	1,0				
Февраль	1,0				
Март	1,0				
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига фойдаланади _____ соат, ойга _____ кун _____
 Умумий юкламага нисбатан сменалар бўйича юкланиш % хисобида I, II, III _____



Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

«Истеъмолчининг» (субистеъмолчиник) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тўлиқ ва қўчаланинг таврифоти (қўш қўрсаткичлар) ҳолда	Хисобга олиш прибори тури (актив, номанбал тоқт)	Хисобга олиш прибори рақами	Хисобга олиш прибори клемма қолдиқдаги корхона планобининг рақами	Ушлов трансформатор- ларининг трансформация коэффициенти		Хисоб-китоб коэффициенти	Хисобга олиш приборининг шартнома тузилган қўрсаткичлар и ҳисоблагич кўрсаткичи	Тариф турки сўми 1 кВт.с.
				Тех	Қучла- ниш			
	EX-518	3016085	324034	30/5	6	757	12326	480

Имзолар:

Корхона:



Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси
ДАЈОЛАТНОМАСИ

Изоҳ: Ҳар бир электр энергияси ҳисобга олиш прибори учун алоҳида 3 ва 4-шовапар тузилади

Ҳисобга олиш прибори давлат рақами _____ ток трансформатори _____ қўчаланинг
трансформатори _____ эски коофициент _____ ўланган қуввати _____ кВт
Ҳисобга олиш прибори ўрнатилган манзил _____

1. Тариф гуруҳи _____ Фаолият тури _____ ишлар қўли, мфд, қўча уй рақами _____
Турба нима чиз, Шатербокс, Глиниги, Давнига нима чиз, Асфд чизги, Нисос, Савадо, Кафе, Омехона, Умехона ва...???

1. «Истеъмолчи»нинг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

- а) ҳаво электр тармоғи _____
- б) кабель электр тармоғи _____
- в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП рақами _____ кВА _____

2. «Истеъмолчи» ва «Корхона» ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича мансублик чегараси _____

3. Улардан қуйидагиларга: _____

б) _____ хизмат кўрсатиш «Истеъмолчи» ходимлари томонидан,

«Истеъмолчи» билан тузилган «Техник хизмат кўрсатиш» № _____ сана _____ й.
шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат
кўрсатилади. «Техник хизмат кўрсатиш» шартномаси тузмаса _____
томонидан хизмат кўрсатилмайди.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик
чегараси қуйидагича белгиланди: _____

Истеъмолчи: _____ (Имло)
М.У. _____
Корхона: _____
М.У. _____

Вакиллар:
_____ (Ф.И.Ш.)
_____ (Ф.И.Ш.)

Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича
ДАҲОЛАТНОМА

Истеъмолчининг _____

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги

юзга келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Усуна юкласининг технологик брон даражасига пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронига таълуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишла қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Илоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилган яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, нормани, ёнғин, захарлини ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига таълуқли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич _____ кВт

II босқич _____ кВт

III босқич _____ кВт

IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария бронни даражасигача узинб қуйилади.

Т/р №	Авария бронига таълуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишла қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Илоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* а) Ўчирилган сув таъминоти, алоҳа воситалари ишнинг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қуриқлиқ ёриткичлари юкласини остида ҳолдифрилади.

б) Ёнғинга қарши захира насослар ва бошқа ёнғинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайди (ушбу агрегатлар заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда руҳхатга киритилиши мумкин).



Имзолар:

Истеъмолчи: _____

М.У. (Ушбу)